



1925-YILDAN SHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!



# YOSHLAR OVOZI

№36 (16341)

2019-YIL 4-MAY, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozl.uz

yoshlarovozl@umail.uz

@Yoshlarovozl

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда истиқболли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, улғайиб келаётган ёш авлодининг илм эгаллигига бўлган иштиғи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, шунингдек, халқро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуksиз тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ёшларни амалга ошириладиган илохотларнинг фаол иштирокчисига айланган, илм-фанни ўзлаштиришга бўлган рағбатини ошириш, изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, жаҳон миқёсда Ватанамиз дорунини кенг таратган аждодларга муносиб авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимининг белгилаган штатлар соани доирасида ушбу вазирлик тузилмасида 14 та штат бирлигидан иборат Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: иқтидорли ўқувчи ёшларни аниқлаш, улар фаолиятини илмий ва услубий жиҳатдан таъминлаб бориш, соҳада илгор тажрибаларни омаллаштириш ва

улар асосида таълим муассасалари учун тавсия ва қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқиш; умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида маҳаллий ва халқро, шу жумладан, нодавлат фан олимпиадаларини ташкил этиш, уларнинг халқро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш;

юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда олимпиадалар учун доимий янги назорат материалларини ишлаб чиқиш;

халқро олимпиадалар иштирокчиларини юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, олимлар, профессор-ўқитувчилар, хорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда тайёрлаш, инглиз тили ва рус тили фанларидан мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш;

олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этган иқтидорли ўқувчиларнинг келгусидаги фаолиятини мониторинг қилиб бориш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

3. Қуйидагилар: Ғоибларга давлат олий таълим муассасаларига тест синовисиз ва кўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадиган халқро олимпиадалар рўйхати (кейинги ўринларда — халқро олимпиадалар) 1-иловага мувофиқ;

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан

биргаликда ўтказиладиган кўшимча республика олимпиадалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда давлат таълим стандартлари ўқув дастурлари ва режаларида белгиланган фанлар ҳамда уларга ажратилган ўқув соғларидан келиб чиққан ҳолда асосий олимпиадалар ўтказиладиган фанлар рўйхатини тасдиқласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1-3-ўринларни эгаллаган иштирокчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомда амал қилувчи сертификат тақдим қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий таълим муассасасига қабул қилинган олимпиада ғоибларига “устоз-шогирд” тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассислар бириктирилади.

5. Белгилансинки: а) халқро олимпиадалар ғоиблари ва уларнинг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида бир маргалик пул мукофотлари билан тақдирланади:

(Давоми 2-саҳифада).

## ДАРДИНГНИ АЙТ, ЯШИРМА!

Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси сурхондарёлик ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказди.



ташкил этиш ва уни мусиқий асбоблар билан таъминлашда амалий ёрдам сўради. Бу муурожаат ҳам эътиборга олинди.

— Ҳафтада беш кун умумтаълим мактаблари, дам олиш кунларида истироҳат боғларида концертлар намойиш этамиз, — дейди И.Темиров. — Шу орқали ёшларни санъатта ошурта этмоқчимиз.

Қизилқилк Олтибой Бойқобилов театр санъатига қизиқади. Учрашувда у вилоят ёшларининг профессионал театр-студиясини очилини таклиф қилди. Ташаббус маъқул деб топилди. Тез орада янги ижодий жамоа шаклланишига умид қиламиз.

Очиқ мулоқот давомида ёшларнинг ахборот саводхонлиги ҳамда интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсиз қатлам билан ишлаш механизмининг такомиллаштириш юзасидан атрофлича фикр юритилди. Баъзи ёшларга шу жойининг ўзида иш топиб берилди. Масалан, Мадина Чумарова Термиз шаҳридаги қандолатчилик цехига ишга олинди.

Ёшлар етакчиси билан самимий руҳдаги учрашув сурхондарёлик Ал-поминшу Барчиларнинг эртанги кунга ишончини оширишга хизмат қилган бўлса, ажаб эмас. Демак, ҳаммаси хали олинди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Шундан сўнг ёшлар етакчиси залга юзланиб, муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапиришни таклиф қилди. Микрофон олдида биринчи бўлиб Бекзод Қаҳҳоров келди. Ўтган йили у “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси кўмагида 27 миллион сўм миқдорда кредит олиб, қандолат махсусотлари ишлаб чиқаришни бошлаган. Энди тадбиркорлик фаолиятини кенгайтироқчи. Бунинг учун жой керак. Масала халқ этилиди — дўстимизга Термиз шаҳридаги “Ёш тадбиркорлар” коворкинг марказидан хона ажратилади.

Искандар Темиров эса, Ёшлар иттифонининг вилоят кенгаши қошида “Сурхон” вокал-чолғу ансамблини

## 9 ҚАЛБИМДА — ШУКРОНА, КЎКСИМДА — ШАРАФ!



Республикамиз бўйлаб “Шараф лентаси” акцияси давом этмоқда. Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Ёшлар иттифоқи барча юртдошларимиз, ҳатто хорижий сайёҳларга Ўзбекистон давлат байроғи ахс этган бахт ва саводат тўқималарини тақдим этмоқда. Бундай эззу ташаббус ҳар биримизни тинчлик учун шукрона келтиришга ундайди.

3-саҳифага қаранг.

SUBBATDOSH

## ОТМга қабул: ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛЯПТИ?

Мамлакат тараққиётини етук кадрлар белгилайди. Бундай кадрларни тайёрлаш эса ёшларни олий таълим муассасаларига адолатли саралаб олишдан бошланади. Шу боис юртимизда ОТМга қабул жараёни замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Бу йил ҳам абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш ва уларни саралаб олиш жараёнига қатор янгиликлар киритилмоқда. Ўзгаришларни ҳамма ўзича тушуниб, турлича талқин қилмоқда. Аслида тизимда қандай ўзгаришлар кутиляётганини тўғрисида ҳамюртларимизни боқиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдували Холиқова бир неча саволлар билан муурожаат этди.

Давоми 3-саҳифада.

## ЮКСАК МУКОФОТГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида журналистика соҳасида “Олтин қалам” XIV миллий мукофоти учун халқро танлов соҳибларини тантанали тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан мазкур санъат қошонасига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик, идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлар маъсул ходимлари, барча турдаги медиа тузилмалар вакиллари, журналистика йўналиши бўйича таълим бераётган профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳасимов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қамровли илохотлар оммавий ахборот воситалари ходимларини янада фаол, фидойи, ташаббускор бўлишга, юрт қадрини учун астойдил жон қўйиришга қоралатганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисига Муурожаатномасида аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, жиҳмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига муурожаат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш янги йилда ҳам фаолиятимизнинг муним ва ажралмас қисми бўлиб қолиши алоҳида таъкидланган. Бу тамойил барча турдаги оммавий ахборот воситалари фаолиятида устувор йўналишга айланиб бормоқда.

Юртимизда яратилган миллий қонунчилик оммавий ахборот воситаларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши, ҳар бир фуқаронинг сўз, матбуот ва ахборот олиш ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, халқимиз оғирини енгли қилиш, таҳдиритларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиладиган амалий гамхўрлик

оммавий ахборот воситалари ходимларининг моддий шароитини янада яхшилаш, уларнинг ижодини тўлақонли қўллаб-қувватлаш, журналист касбининг ижтимоий мақомини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Буларнинг барчаси янада фаол, ўз ишига теран таҳлилий-танқидий назар билан қарай олишга, тинимсиз ижод қилишга, халқимиз, Ватанамиз, миллий манфаатларимизнинг ишончли химоячиси бўлишга чорламоқда.


Юртимизда анъанавий ўтказиб келинадиган “Олтин қалам” танлови соҳада тинимсиз изланаётган журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омаллаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун эркин шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни рағбатлантириш мақсадида “Олтин қалам” XIV миллий мукофоти учун ўтказган халқро танловга ижодкорлардан қўллаб материаллар келиб тушди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга ўтган бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатиш ҳамда телевидендада кўрсатилган ва интернет нашрларида ёрилган материаллар қабул қилинди.

(Давоми 2-саҳифада).

TANLIL VA TALQIN

## ХИТОЙЧА ТАРАҚҚИЁТ



Конфуций ватанидаги ишлениш ўзгаришлар дунё ёшларида қандай таассурот уйғотмоқда?

Гезатанинг ўтган сонидида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи делегацияси Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ёшлар оромгоҳида иштирок этаётгани ҳақида хабар бергандик. Қуни кеча вакилларимиз ушбу нуфузли анжумандан қайтиб келди.

Хитой Халқ Республикасига амалга оширилган бир ҳафталик сафар таассуротлари жуда бой. Дунё иқтисодиётида етакчи позицияларни эгаллаётган Хитойдек қудратли давлатнинг юқори технологиялар, бизнес, саноат, қишлоқ хўжалигига ўхшаш қўллаб сохалардаги тараққиёт динамикаси, усул ва тажрибасини ўрганиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш биз учун, сўзсиз, муҳим аҳамиятга эга.

Ахир,

“Хитой мўъжизаси” инсон капитали эвазига рўй бер-

ганини, унинг замирида халқ жидду ҳақига айтилган, илму салоҳияти ва меҳнатсеварлиги ётганини яхши биламиз. Демак, бу мамлакат билан мунтазам диалог олиб бориш фақат фойдамизга хизмат қилади. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва унинг шафелигида ўтказиладиган турли форматдаги тадбирлар бундай мулоқотга кенг йўл очмоқда.

ШХТнинг ёшлар платформаси ҳам мавжуд. Бошқача айтганда, нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар нафақат биринчи шахслар ҳамда сиёсий тузилмалар раҳбарлари, балки ёшлар ташкилотлари даражасида ҳам ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлик қилиш имкониятига эга.

(Давоми 2-саҳифада).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада).

1-урин (олтин медаль) учун - 500, ўқитувчисига - 450 баравари; 2-урин (кумуш медаль) учун - 300, ўқитувчисига - 250 баравари; 3-урин (бронза медаль) учун - 200, ўқитувчисига - 150 баравари; б) асосий олимпиадалар республика босқичи голибларининг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг куйидаги миқдорларидан бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади: 1-урин учун - 50 баравари; 2-урин учун - 35 баравари; 3-урин учун - 30 баравари; в) халқаро олимпиадалар голибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбоддаги ўқув йили учун директор жамғармасидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишлича қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама тўланади; г) таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган: халқаро олимпиадалар голиблари лавозим маошига хар ой 150 фоиз; асосий олимпиадалар республика босқичи голиблари лавозим маошига хар ой 100 фоизлик устама ҳақи тўланади; д) олий таълим муассасасини тамомлаган олимпиада голиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хоризда

тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан шакллантирилган иштиробли мутахассислар захирасига киритилади. 6. Департамент Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 4-11-синф, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун хар чоракда онлайн тарзда олимпиадалар ташкил қилиш орқали иқтидорли ўқувчилар захирасини шакллантириши ҳамда захирага киритилган ёшлар учун Халқ таълими вазирлиги веб-сайти орқали хар ойда чуқурлаштирилган назорат материаллари, шу жумладан, тест, ёзма ишлар учун масалалар етказиб берилишини таъминласин. 7. Белгилаб қўйилсинки: а) асосий олимпиадаларни ташкил қилиш ҳамда халқаро олимпиадалар учун иштирокчиларни саралаш ва тайёрлаш харажатлари; Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари, халқаро молия ташкилотлари ва хоризий давлатларнинг грантлари ҳамда техник қўмаклашиш маблағлари; конун ҳужжатларида таққикланмаган бошқа манбалар хисобидан;

б) ўқувчи ёшларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан, суткалик, яшаш ва транспорт харажатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан; в) асосий ва халқаро олимпиада голиблари ҳамда уларнинг ўқитувчиларига тўланадиган бир марталик пул мукофотлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган олимпиадалар голиблари лавозим маошига тўланадиган устама ҳақлари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари хисобидан амалга оширилади. 8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари хисобидан 2019 йил 1 августга қадар барча босқичдаги олимпиадалар бўйича маълумотлар, шу жумладан, олимпиадалар учун танланган назорат материаллари, иқтидорли ўқувчилар захираси, олимпиада иштирокчилари, голиблари, уларга бириктирилган ўқувчилар хисобини юридувчи ахборот тизимини ишга тушириши; бир ой мuddатда Департамент зиммасига юкланган вазифарини самарали ва юқори профессионал даражада бажаришига қодир малакали, чуқур билим ва юқсак манавий-ахлоқий фазилатларга

эга ходимлар билан тўлдирши, моддий-техника базасини шакллантириш чораларини кўрсин. 9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги ҳамда таркибда олий таълим муассасалари мавजूд бўлган вазирлик ва идоралар Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини намоен этишига қўшимча шароитлар яратиш мақсадида олий таълим муассасалари томонидан хар йили ўтказиладиган олий таълим муассасалари олимпиадаларининг режа-жадвалини тасдиқласин. 10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги, Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази уч ой мuddатда куйидагиларни назарда тутувчи умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиши, ўтказиши ва халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш тартибини ишлаб чиқисин ва тасдиқлаш учун Вазирилар Маҳкамасига киритсин; иқтидорли ўқувчилар захирасига киритилган ўқувчи-ёшлар олимпиадаларнинг тўғридан-тўғри вилоят босқичида қатнашини, олимпиадаларнинг вилоят ва республика босқичи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштиро-

қида ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб-сайти орқали онлайн тарзда тўғридан-тўғри намойиш этилиши; олимпиадалар очик ва шаффоф тарзда ўтказилиши, натижалари улар ўтказилган куннинг ўзида эълон қилиниши; олий таълим муассасаларига қабул қилинган олимпиада голибларига "устоз-шоғирд" тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларни бириктирилиши; асосий олимпиадаларнинг республика босқичи голибларига давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини тақдим этувчи сертификат берилиши; барча босқичдаги олимпиада натижалари, шу жумладан, иштирокчилар тўғрисида маълумот, уларнинг ёзма ишлари тўлиқ ахборот тизимига киритилиши ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб-сайтида эълон қилиниши. 11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълими тизимига бошқаруви

ни таъминлашнинг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3931-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин. 12. Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифарини кенг қўламда ёритишни ташкил этсин. 13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирилар Маҳкамасига таққиклаб киритсин. 14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 3 май

(Бошланиши 1-саҳифада).

Конфуций ватанида тўрт йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган ёшлар оромгоҳи фикр-мулоқотини яққол тасдиқлайди. Биз мазкур форумга ўтган йили кўшилдик. Бу сафар 14 мамлакатдан келган салкам 200 нафар иштирокчига Пекин ва Циндао шаҳарлари ўз бағрини очди. Ўзбекистоннинг ўн кишилик делегациясига Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ёшлар тақдирининг ривожлантириш бўлими мудири Феруз Абляров бошчилик қилди. Ва бу тасолиф эмас.

бориш масалаларини муҳокама этиди. Махус кўргазма ҳам ташкил қилиниб, ёш тақдиркорлар бир-бири билан жонли мулоқот қилди. — Беларусь, Ҳиндистон, Мугулистон, Эрон, хатто комбоджалик ёшлар олдимишга келиб, Ўзбекистонда тақдиркорлик қандай ривожланаётгани билан қизиқди, — дейди Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши халқаро алоқалар бўлими етакчи мутахассиси Илёс Матлабов. — Юртимизда бизнес муҳити тобора яхшиланаётгани, хоризий сармоядорлар учун бир қатор қу-



лайлиқлар яратилгани, айниқса, туризм соҳасига қаратилган эътибор уларда алоҳида қизиқтириш уйғотди. Аксарияти Ўзбекистон қатнашган мамлакат эканини шу чоккача билмаслигини айтди. Англизмки, биз ўз ҳақимизда дунёга кўпроқ ахборот тарқатишимиз, халқаро майдонда мамлакатимизнинг иштиробли имижини яратиш устида жиддий бош қотиришимиз керак. ШХТ ёшлар оромгоҳига ўхшаш йирик анжуманлар бу мақсадга хизмат қилади, албатта. Делегациямиз аъзолари Циндао кўрганларининг ўзидек Хитой тараққиёт даражаси ҳақида қандайдир таъаввур ҳосил қилиш учун қиёфоз. — Электромобиллар ишлаб чиқарадиган "TGOOD" корпорациясини оилалик, — дейди Феруз Абляров. — Корхона ҳали ёш. Бирок ўз олдига автомобилсозлик соҳасидаги



Циндаодаги юқори технология порт, қоворқин марказлари, робототехника, графен ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга ихтисослашган технопарклар, машиини техника ва электроника буюмлари ишлаб чиқарувчи, давлат секторига тегишли "Hisense" компаниясининг талқикотлар маркази, қолаверса, денгиз, темир йўл, кино ва экоиндустрияга оид объектлар билан танишув ҳам илмий салоҳият эвазига мамлакат нечоғлик

диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланди. — Бугунги шиддатли замон журналистдан маънавий бедорликни, муттасил изланишни, ўз ишига теран таҳлилий-танқидий нигоҳ ташлаш салоҳиятини, халқларнинг ўзларини қабул қила олиш салоҳиятини талаб этмоқда, — дейди Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзодхон Қудратхўжаев. — Утган икки ариям йил давомида жамоамиз чин маънода халқчил мулоқот майдонига айланди. Билдирилган, бундай юқсак илчон бизларни янада кўпроқ масъулият билан, халқимизга сийдиқлидан меҳнат қилишга ундайди. Тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдухакимов сўзга чиқди. Тантанали маросимда сўнъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА, Ўза мухбири


ХИТОЙЧА ТАРАҚҚИЁТ

Конфуций ватанидаги мислсиз ўзгаришлар дунё ёшларида қандай таассурот уйғотмоқда?

дунё гигант — Американин "Tesla" корпорацияси билан тенглашини мақсад қилган. Бу — далил қарор. Рақобатга дош бериш осон эмас. Лекин хитойликлар шунга яраша харақат қилипти. Янги, инновацион ечимлар устида бош қотирапти.

ривожлана олиши мумкинлигини кўз ўнгимишга намоен этди. Аслида суҳбатдошимиз айтган илмий салоҳият Ўзбекистонда йўқ эмас. Иқтидорли ёшларимиз талайгина. Кўпдан-кўп кашфиётлар қилишга уларнинг ақли етади. Уша ақлни тақдиркорлик эвазига буриш керак, холос. Қандай қилиб, деган саволга атрофдан жавоб излайлик. Илмий ноу-хаулар яратиш ва ҳаётга табиқ этиш бўйича анча илгариллаб кетган, инновацион иқтисодиётга ўтаётган давлатлар тақрибисини ўрганиш, улардан иқтидорли матнода андаза олиш мумкин-ку, ахир.

давлатларнинг ёшлар сиёсати билан ҳам танишдик, — дейди делегациямизнинг яна бир аъзоси, Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши раиси, сенатор Жамшид Хўжаев. — Масалан, Комбоджа Кирилоғи Ёшлар иттифоқи федерацияси вакили Дарез Розалини билан суҳбат чоғида йигит-қизларнинг ижтимоий фаолигини ошириш бўйича мамлакатларимиз тақриблари хусусида сўз борди. Юртимизда ёшлар жамоатчилиқ фаолиятига кенг жалб этилган, шу аснода уларда боқимандалиқ кайфиятини бартафар этишга эришяётгани, Ёшлар иттифоқи мустақил ҳаётга қадам қўйган йигит-қизлар учун "социал лифт" вазифарини бажаряётгани Розалини хонимда алоҳида қизиқтириш уйғотди. Ҳиндистон ёш лидерлар конференцияси бош директори Арш Могре эса, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан тақдиркорлик, туризм ва кишлоқ ҳужалли соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга ошириш истагини билдирди. Биз бу ташкилот вакиллари жорий йил июнь ойида Тошкентда ўтказиладиган



Ўзбекистон-Ҳиндистон ёшлар форумига таққиф этдик.

Пекиндаги халқаро бизнес ва иқтисодиёт университетида ҳам бўлдик. У ерда 50 нафар ўзбекистонлик талаба таққил олмоқда. Улар ўқишини тамомлагач, ватанига қайтмоқчи. Бирок юртимизда дипломи ўтмаслигидан хавотирда. Бу муаммо кўпгина билимдон ёшларимизнинг ўзга юртларда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Натижада Ўзбекистон бир нечта хоризий тилларни биладиган, малакали кадрлардан айриляпти.

Хитойга сафар ҳаммадан ҳам кўра Ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш фермерлар кенгаши учун самарали кечди. —Накўртта муҳим келишувага эришдик, — дейди кенгаши раиси ҳамда "Ёшлар бизнес-инкубатори" МЧЖ директори Соатмурод Қўлмиров. — Беларусь Республикасининг "Kentavr" инвестицион компанияси билан минг тонна серурум картошка уругини сотиб олиш бўйича шартнома имзоламоқчимиз. Уруғликнинг бир килоси юртимиз бозорига 5 минг сўм туради. Яхши ҳосил оламан дейдиган дехкон учун бу қатта харажат. Кенгашимиз Беларусдан келтирилган уруғларни ёш фермерларга ҳосилдан икки баравар қилиб қайтариш шарти билан бепул тарқатади. Бундан ҳамма ютади. Муҳими, халқимизнинг картошкага бўлган талабини қондиришга эриша-

миз. Лойиҳа беш йиллик бўлиб, 300 нафар фермерни қамраб олиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, қурғоқчи, тоғ ва тоғ олли ҳудудларида писта етиштириш бўйича Эрон технологиясини Ўзбекистонга олиб келмоқчимиз.

Эрон биргина писта экспортдан йилга 25 миллиард АҚШ доллари (1) миқдорда даромад кўради.

Бизда ҳам имконият бор. Воҳа ҳудудига қанчадан-қанча ерлар бунш етибди. Чунки сув йўқ. Лекин шундай шароитда ҳам писта етиштириб, даромад кўрса бўлади. Бундан бунгага эронлик мутахассислар иштирокида вебинарлар ташкил қилиб, ёш фермерларимизни ўқатамиз. Аграр соҳада Мугулистон билан ҳам ҳамкорлик истиқболаримиз юқори.

Бундан қарангки, мўғуллар Ўзбекистон мева-ларини Жанубий Корея орқали сотиб олар экан.

Энди бу давлатта мева-сабзавотларни "Ёшлар бизнес-инкубатори" орқали тўғридан-тўғри экспорт қилишни режа-лаштиришимиз.

Дунё ёшлари ўзаро мулоқот қилиши, ҳамфикр, дуст бўлишдан барча давлатлар манфаатдор. Сабаби халқ дипломатиясининг бундай шакли халқаро сийёсий майдондаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Демак, биз тўғри йўлни таънамалимиз.

Наргиза УМАРОВА

ЮКСАК МУКОФОТГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Тақдим этилган иқтидорли ишларнинг довларлигини, иқтисодий аҳамиятини, тежоратлигини, холос ва ҳақсонлигини, халқ манфаатларининг теран ифодалангани каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди. Анъанага кўра, бу йилги танловда журналистика соҳасида бош миллий мукофот, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернет-журналистика йўналишларида асосий мукофот соҳиблари биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин бўйича аниқланди. Шунингдек, "Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал", "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материал учун", "Энг яхши фоторепортаж", "Энг яхши матбуот хизмати" каби рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ҳам голиблар эълон қилинди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси



ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва "Росатом" давлат корпорацияси, шунингдек, Россия Федерацияси, АҚШ, Хитой Халқ Республикаси, Туркия Республикасининг юртимиздаги элчионалари, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европа иттифонининг Ўзбекистондаги делегацияси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори офиси, Европа Иттифонининг Марказий Осиё минтақавий эко-

логия марказининг филиали (РЭЦА), ЮСАИДнинг Сид касаллигига қарши кураш дастури, "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти (Словения), "DVV International" (Германия) ва бошқа ташкилотлар ҳам ўзи таъсис этган номинациялар бўйича голибларни тақдирлади. Бош миллий мукофотга Халқаро пресс-клуб ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканал жамоаси муносиб топилди. Голиб махусе

СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИНГ "ЎҒИЛ"ЛАРИ

3-MAY - JAHON MATBUOTI ERKINLIGI KUNI


Одамларни воқеанин баён эмас, сабаби ва натижага кўпроқ қизиқтиради. Айтмайлик, жиноятга қўл урган ўсмири бунга нима мажбур қилгани (сабаб) ва унга чиқариш хукм (натижа). Кейин, тан олашимиз йўқми, қаерда қандайдир тақдир бўлиб ўтгани ҳақидаги хабарни ўқиш учунгина ҳеч ким газиета сотиб олмайди ёки шунинг учун иқтимоий тармоққа киришмайди. Ўқувчини дуненин қайсидаир бурчада рўй берган автохалокат, кулаб тушган самолёт, чўкиб кетган кема ва ҳоказолар билан боғлиқ рақамлар қизиқтиради. Бу эса, журналистнинг информация билан ишлаш техникаси, аудиторияни жалб этиш маҳорати, услуби ва албатта, савиясини белгилайди. Айниқса, бу савия танқидий материал тайёрлашда яққол кўринади. Нега айнан танқид? Чунки танқид оммавий ахборот воситаларида сўз эркинлигини белгиловчи бош мезон. Жўнгина хулоса шуки, қайси нашр кўпроқ "уриб чиқаяпти", қайси телеканал танқидга зўр берапти — улоқ бўлади. Бу борада ҳазрат Навоий хикмати журналист учун доимий оғохлантирувчи кўнғироқ бўлиб хизмат қилади:

тўғрими? Шакл-шамойил, жанри ҳам инобат олиш зарур. Мисол учун, бу-гун матбуотда фельетон, журналист суриштируви жонлиб қолганга қарамай, барибир қамлик қилади (пам-булет ҳақида сўз очмасам ҳам бўлади). Бу эса, жамиятда опток нуктарлар кўп деган фикрни юзага келтирмайди, келтирмаслиги ҳам керак. Ёки бошқа ҳолат. Шаҳс шаъни, кадр-қиммати масаласи. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конунининг 6-моддасига кўра, журналист оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва кадр-қим-матини ёки ишчанлик обрўсини таққирлаши, шахсий ҳаётини ара-лашини таққиланади. Демак, айни шу характерда эълон қилинган ма-териални ҳам сўз эркинлиги билан боғлаш нотиғри.

Сўзни қўнғулдога тилқормағунача тилга келтирма, Харнаким қўнғулдода бўлса, тилга сурма. Демак, сўз эркинлигининг ўртанча ўгли — холослик. Бутун юртимизда мингта яқин номда газета-журнал чиқиб турди. Бир кунма-кун, бири хафтада бир, икки марта, ойда, мавсумий... Қў-шимчасига, уларнинг аксарияти сайт қўрилишида ҳам фаолият юртимокда. Яна юзлаб электрон оммавий ахборот воситалари рўйхатдан ўтган. Улардан номдорлари фойдаланувчиларга қулай бўлиши, деб мобил версиясини ҳам яратган. Буёқда матбуотнинг қучи етмаган жойини блогларлар илдам харақатга келтирмоқда. Буларнинг замирида сўз ётади. Хар қучи биз томонга қучондай ёприлиб келаятган СЎЗ. Яқини томони, ахборот билан тўғридан одам фикрга қарши жўлиб қўйилган қур-ролана билади. Енгидан торққиланганга оғиб кетмайди. Хўш, журналист ўринли танқид қилолса, бунга қалами қучи ҳам, сал-лоҳияти ҳам етиб ортса, мавзун ёри-тида холос бўлса — эркинлик бо-ди яна қандай восита зарур? Жаовб: ўз қўзи билан қўриб ёзиш. Сўз эркин-лигининг эркини, келжаси шу бўлади. Токи, журналист ўз қўзи билан қў-рганни ёзма экан, мулоҳазаларини "Мухаррирга ёқармикан?" деган ҳа-дик билан ёзarkan, бундай ижод, фикр доимий тунқундир.

Ақмам ЖУМАМУРДОВ, журналист

ОТМга қабул: ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛЯПТИ?



(Бошланиши 1-саҳифада).

Ижтимоий тармоқларда ОТМларга ҳужжат қабул қилиш май ойидан бошланиши тўғрисида маълумот тарқалди...

Олий таълим муассасаларига ҳужжат қабул қилишни бошлаш учун қабул квоталари тасдиқланган бўлиши керак. Демак, 2019-2020 ўқув йиллари учун ОТМларга қабул қилиш квотасини тасдиқлаш бўйича Президент қарори чиқиши керак.

ОТМга ҳудудлардаги Давлат хизматлари маркази орқали ва онлайн (www.mtu.gov.uz портали орқали) ҳужжат топшириш ҳақида маълумот берсангиз.

Юқорида айтилган Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасида 2019-2020 ўқув йилида абитуриентлардан ҳужжатларни ОТМларда эмас, ҳудудлардаги Давлат хизматлари марказлари ва онлайн (www.mtu.gov.uz портали орқали) қабул қилиш назарда тутилган.

қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Демак, бу йилдан ҳужжатлар ОТМларда эмас, Давлат хизматлари маркази ва www.mtu.gov.uz портали орқали қабул қилинади?


Албатта. Лекин махсус сиртки, магистратура ва иккинчи мутахассислик йўналишлари учун ҳужжатлар фақат ОТМларнинг ўзида қабул қилинади.

Ҳужжатларни онлайн қабул қилиш бошланса, абитуриентлар ўзи яшайдиган ҳудуддаги Давлат хизматлари марказларида юртимизнинг исталган Олий таълим муассасасини танлаб, рўйхатдан ўтати.

Ҳужжатлар Давлат хизматлари маркази орқали қабул қилинса, ОТМларда абитуриентлар ҳақида маълумот бўлмайди.

Тест натижаларига кўра, ўқишга қабул қилинган абитуриентлар ОТМга ҳужжатларининг асл нусхасини олиб келади.

Ҳужжатлар ҳақиний экани исботланган, абитуриент ўқишга қабул қилинган ҳисобланади.



яратилган имкониятдан нотўғри фойдаланиб, Давлат хизматлари маркази орқали ҳужжат топширишда кингир йўлни танлаган бўлса, ОТМ абитуриентни ўқишга қабул қилмасликка ҳақли.



Бир вақтнинг ўзида учта олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Абитуриент ҳужжат топшириш вақтида бир пайтнинг ўзида учта ОТМни танлаш имкониятига эга бўлади.

уларнинг кетма-кетлиги бир хил бўлиши керак. Масалан, кимё мажмуасидан ўзбекистон Миллий университетининг "Кимё" таълим йўналишига ҳужжат топшириб, Тошкент кимё-технология институтининг "Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси" ва "Озик-овқат технологияси" таълим йўналишларини танлаш имкони бўлади.

Абитуриент биринчи таълим йўналишини танлагандан қолган иккинчи мукобил йўналиш автоматик равишда тақдим этилади.

Агар абитуриент биринчи таълим йўналишига тўлов-шартнома асосида ўқишга кириб, у тўплаган баллар иккинчи ўқинчи таълим йўналишларида давлат гранти асосида ўқиш имкониятини берса, талабада мукобил таълим муассасаларини танлаш имконияти бўладими?

Бу жараён ҳам пухта ўйланган. Абитуриентлар мақсадига кўра, икки тоифага бўлинади. Биринчиси, тўлов-шартнома асосида бўлса ҳам олий таълим олиш. Иккинчиси, фақат давлат гранти асосида ўқиш. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишда "давлат гранти асосида" деган пункт бўлади.

Ижодий имтиҳон орқали ўқишга қабул қиладиган таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун ҳам мукобил таълим йўналишини танлаш имконияти борми?

Юқорида таъкидланган қарор лойиҳасида бу кўрсатиб ўтилган. Шу маънода, жавобимиз лойиҳа доирасида бўлади.

Исҳоқхон Ибрагимовнинг инглиз тилига ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчилари қандай талаб асосида ўқишга имтиёзли қабул қилинади?

Олий таълимга истеъдодли ёшларни саралаб олиш, кадрлар сифатини яхшилаш мақсадида катта ўзгаришлар арафасида турибмиз.

мактаб битирувчиларига имтиёз берилмоқда, деган савол туғилади. Чунки бу мактаб-интернатта ёшлар жиддий синовлар асосида қабул қилинади ва у ерда чуқур билим берилади.

Сўнгги йилларда амалдаги тест синови ўзини уңчалик оқламаётгани сезилиб қолди. Бу борада ҳам ўзгаришлар борми?

Ҳозиргача бизда тест саволига жавоб топиш учун фақат хотирага, ёд олинган аниқ маълумотга таянлади.

Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ суҳбатлашди.

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонлангани муносабати билан уруш қатнашчилари ва ноғиронларнинг моддий рағбатлантириш мақсадида жорий йил 23 апрелда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони, шунингдек, юртимизда бу байрамни кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишда муносиб ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида "Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Ёнгин хавфсизлиги институти профессор-ўқитувчилари ва курсантлари томонидан "Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шиорлари остида тадбирлар ўтказилмоқда.

9-MAY — XOTIRA VA QADRLASH KUNI

ИНСОНИЙ БУРЧ



Жумладан, институт жамоаси "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг барча туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота ва Янгийўл туманларида яшовчи 76 нафар уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларини байрам муносабати билан табриклаб, уларга эсдалик совғаларини топширди.

Уюштирилиб, турли гул ва сабзавот кўчатлари экилди, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Камол Рихсиев, Тошкент вилояти Янгийўл тумани "Намуна" маҳалласида истикомат қилади.

Хотира ва қадрлаш кўни арафасида хонадонимизда Ёнгин хавфсизлиги институтининг бир гуруҳ офицери ва курсантларини кўриб қувониб кетдим. Бу

ўқтам ва самимий ўғлонлар мени яқиндан билдигандек хол-ахвол сўраганида кўнгим тоғдек кўтарилди. Сентябрда 93 ёшнинг қарши оламан. Ҳозир 27 нафар набира, 41 нафар чевара ҳамда 2 нафар эвараларни кучоғимга олиб, уларга ҳам уруш давридаги воқеаларни ёдга олиш орқали бугунги жаннатмақом юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишларини доимо насихат қилиб келяпман.

Зинаида Кислякова, Тошкент шаҳар Яшнобод туманида истикомат қилади.

Урушда беш марта оғир жароҳат олганман. Жангдан қайтиб, тури соҳаларда ишладим. Бугун фарзандларим, набирао эвараларим ардоғидаман. Урушда орттирилган жароҳатлар битиб кетди, аммо унинг дахиласи хотиралари ҳамон қалбимни тирнайди.

Шерали АНВАРОВ, Фарҳоджон ХОЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти ходимлари

ТА'ЛИМ ТАРАҚҚИЙОТИ

Мамлакатдаги динамик ўзгаришлар жараёнида жамиятнинг ҳолати ва муаммолари ҳақида ҳолис маълумотга эга бўлиш жуда муҳим. Бундай таҳлилни фақат социологлар бажара олади.

УНИВЕРСИТЕТЛАРДА СОЦИОЛОГИЯ КАФЕДРАЛАРИ ОЧИЛАДИ

Ўзбекистонда социологик хизмат ўттиз йилдан буён мавжуд. Олий ўқув юртиларида социология кафедралари мустақилликдан аввал очила бошлаган.

Бизда ижтимоий масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганадиган мустақил тадқиқот марказлари ҳам етишмайди. Хусусийлари-ку, йўқ ҳисоб. Энг йириги — "Ижтимоий фикр" асосан давлат буюргаларини бажаришга ихтисослашган.

Социология фанидан юртимизнинг илмий салоҳиятини ошириш, социологик тадқиқотлар методологиясини такомиллаштириш, тадқиқот натижаларини амалиёт билан боғлаш, хорижий тажриба ҳамда замонавий тенденцияларни ўрганиш ҳам ҳозирги шароитда долзарб аҳамият касб этмоқда.


Ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, кўни кеча Ўзбекистон Миллий университетининг социология кафедраси катор нуфузли давлат таъкилотлари ҳамкорлигида "Ахборотлаштирилган жамиятда замонавий социологиянинг долзарб масалалари" мав-

зуда республика илмий-амалий анжуманини ташкил этди. Тадбирга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази эксперт ва мутахассислари тақлиф қилинди.

Янги мажлисда сўз олганлар Президент фармони мамлакатимиз социология фани ва амалиётида янги даври бошлаб берганини таъкидлади.

Социология исталган соҳа вакили учун керакли фан. Шу боис уни барча таълим йўналишларида жорий этиш керак.

Масалан, дунёга машҳур Оксфорд университетида социологик анализ, социологик методлар,



ўйинлар назарияси каби предметлар ўқатилади. Бошқа нуфузли таълим даргоҳлари ҳам вазият шундай. Олиманинг нуқтани назарини "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, парламент қўйи палатаси спикери ўриносари Сарвар Отамуро-

дов ҳам қўллаб-қувватлади. Социология муаммоларини очиб-қийдириш чеклари, — деди партия раҳбари. — У қайси-дунда гоёни тасдиқлаши эмас, балки ўзи янги фикр ёки гоё бериши керак. Менимча, амалий социологияни кучайтиришимиз шарт.

Давлат органлари, идора ва ташкилотлар, борингки, ишлаб чиқариш корхоналарида социологик хизматлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунда ёш социологларга иш топилади.

Хорижий давлатлардаги илгор социологик марказлар аввал ҳар қайси мавзу учун алоҳида методология ишлаб чиқиб, ундан кейингина тадқиқотга киришади. Бу — тўғри ёндашув. У тадқиқот сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, ҳолислик ва ҳақонийликни таъминлашга ёрдам беради.

Мунозара давомида "Ижтимоий фикр" маркази директори, академик Раёно Убайдуллаева, Жиззах давлат педагогика институти ректори, социолог Абдуғани Холбеков ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг бир қанча профессор-ўқитувчилари ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Кўннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари шўба-ларга бўлинди. Олимлар социологик тадқиқот ўтказишнинг замонавий технологиялари, оила ва ёшлар ҳаёти, соғлиқни сақлаш, бандлик, урбанизация масалаларини социологик муаммо сифатида талқин этиш, таълим соҳасида комплекс социологик тадқиқотлар олиб бориш механизми каби мавзулар юзасидан фикр алмашди.

Яқуний ҳулосалар тақлиф ва тавсиялар кўришишда ҳуқуқат тақдим этилади.

Нарғиза УМАРОВА

ЎТМИШНИ КЎЗДА ЁШ ИЛА ЭСЛАЙДИ

Ёшлар иттифоқининг Нуробод тумани кенгаши, туман мудофиа ишлари бўлими ва ҳарбий қисм вакиллари "Араб ота" маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси — 95 ёшли Бойқувват бобо Саъидов хонадонига бўлди.

Отаҳон урушининг дахшатлари ҳақида гапирар экан, қуролдош дўстларини эслаб, кўзларига ёш олдди. Мана шундай осуда кунларга етгани учун Яратганга шукроналар айтиб, ҳамшира юртимиз тинч ва осойишта бўлишини, осмонимиз мусаффолигини тилади.

Шундан сўнг ҳарбийлар вилоятнинг Тим қишлоғида жойлашган 3-мактабга таълим муассасасида бўлиб, тарбияланувчилар билан учрашди. Болажонлар, аскарлар ва туман маданият бўлими томонидан 9 май — Хотира ва қадрлаш кўнига бағишлаб тайёрланган ракс ва кўшиқлар йиғилганларга манзур бўлди.

Дилфуза ЖАМОЛОВА

TARGETBOT

МАЙ — ЁШ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ОЙЛИГИ

Ёш оилалар ўртасида ажримларнинг олдини олиш, эрта турмушга барҳам бериш, ишсизлик оқибатида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этиш мақсадида май ойи Ёшлар иттифоқи тизимида Ёш оилалар билан ишлаш ойлиги, деб эълон қилинди.



Бухоро ёшлар марказида Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Бухоро шаҳар "Шоҳ Аҳсанӣ" жомеъ масжиди ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда оиланинг асосий мазмун-моҳияти, лойиҳалардан қутиладиган натижалар тўғрисида маълумот берилди.

Зарнигор НАФИДИНОВА



# XUSH KELDING, FAZILATLI OY — RAMAZON!

Yurtimizda milliy va diniy qadriyatlarga bo'lgan yuksak munosabati qutlug' ziyoratgohlarning obod etilayotgani, ma'naviyatimizning buyuk siymolari bo'lmish Imom Buxoriy, Termiziy, Burhoniddin Marg'inoniy kabi allomalarning qadamlari va ularning ma'naviy merosini o'rganishga bo'lgan e'tibor misolida ko'rinishim mumkin. Yaqinda tashkil etilgan Samarqanddagi Hadis ilmi maktabi, Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi hamda poytaxtimizda qad rostlagan va ochilishi kutilayotgan Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf nomidagi masjid, "Suzuk ota" ziyoratgohi majmuasi va shu kabi xayriy ishlar dimizga, musulmonlarga, ajdodlarimiz qoldirgan ilmiy me'rosiga e'tibordan darak beradi.

Mana barchamiz tabarruk oy ostonasidamiz. Ramazon oyi fayz-u futuh va shodlik bilan kirib kelmoqda. Biz uning fayzu barokati allaqachon esgan shamollar va ustimizdan Allohning rahmati bo'lib mayin yog'ib o'tgan yong'irlardan his qilib turibmiz. Bu yong'irlar orqali keladigan rizqu nasiba, mo'likohlik Ramazonning barakasi ekanini tushunib olishimiz qiyin emas.

Ramazon — saxovat, ibodat va ezigulik oyi. Bunda mo'min-musulmonlar islomning bir farzi — muborak ro'za ibodatini ado etadilar. Ro'za ibodati tufayli insonning qalbi musaffo, ixlosi, e'tiqodi, imoni yanada ziyoda va mukammal bo'lishi, bu oy tom ma'noda poklanish oyi ekanini qadimgan ma'lum. Ramazon saxovat oyi, unda saxiylik eshiklari ochilib, yo'qsillar holidan xabar olinib, qavm-u qarindosh va yon atrofimizdagi yordamga muhtoj insonlarga ma'naviy va moddiy ko'mak beriladi. Bu oyda mehr-oqibat, bag'rikenglik, shirinxabonlik bo'y ko'rsatadi. Urush-jangal, fisq-u fasod, gina-kudurat, bironing ko'ngliga ozor berish, isrofgarchilikdan tiyilinadi, Alloh taolo bergan ne'matlarining qadriga yetishga da'vat etiladi. Saxovatli insonlar muruvvat ko'rsatishga shoshiladilar. Zero, muhtojlar holidan xabar olinmoq,

keksalar va bemorlar ziyoratida bo'lmoq, dardmand insonlarga yordam qo'lini cho'zmoqlikning savobi behisob.

Ramazon oyi kelganda Payg'ambarimiz (s.a.v.)ning saxovatli beqiyos, benazir bo'lar edi. Shunday ekan, bu oyda yon-verimizdagilaridan moddiy va ma'naviy ko'magimizni darig' tutmasligimiz lozim. Yo'lini yo'qotgan insonga nasihat va maslahat berib, boshiga g'am-tashvish tushgan kishiga yordam qo'lini cho'zishimiz kerak. Gohida bir onlik ma'naviy e'tibor bir qancha moddiy xayr-u saxovatdan ham ziyoda bo'lishini esdan chiqarmasligimiz zarur.

Kuni kecha muhtaram Prezidentimizning "Muborak ramazon oyini munosib tarzda o'tkazish to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Unda barcha mutasaddi tashkilotlarga Ramazoni sharifning shukuhini milliy an'ana va qadriyatlar ruhida har tomonlama munosib o'tkazish uchun barcha chora-tadbirlarni ko'rish belgilab berildi. Shu bilan birga, Ramazon oyining mazmun-mohiyati va ro'za kishi qalbini poklashi, axloqini go'zal qilishi, hozirgi tinch va farvon hayotimizning qadriga yetish, bir-birimizning qadr-qimmatimizni joyiga qo'yib, o'zaro ahil va hamjihat bo'lib yashashga targ'ib etadigan buyuk qadriyatlarimizni keng yoyishimiz qarorda o'z ifodasini topgan.

Bu kunlarga yetgan bor, yetmaganlar bor. Niyatimiz yurtimiz tinch, xonadonlarimiz obod, kasb-korlarimiz serbarakat, rizqlarimiz ziyoda bo'lsin!

Butun yurtimiz aholisini kirib kelayotgan Ramazon oyi bilan muborakobod etamiz. Alloh taolo ushbu oyda qilinajak ibodatlarimizni va ezu amallarimizni dargohida qabul etsin, yaxshi niyatlarimiz natijasi o'laroq, bundan-da xayriy ishlarga va solih amallarga o'zi musharraf aylasin!

**Xayrulla TURMATOV,**  
O'zbekiston musulmonlari idorasining  
Toshkent viloyati vakili, viloyat bosh  
imom-xatibi

## PREMYERADAN SO'NG

# POK YO'LGA DA'VAT

Alisher Navoiy nomidagi kinoteatrda "O'zbekkino" Milliy agentligi buyurtmasiga binoan rejissor Abduxalil Mingnorov suratga olgan "Imom Abu Iso Muhammad Termiziy" badiiy filmi premyerasi bo'lib o'tdi.

### OLIM HAQIDA

Muhaddis olim hijriy 209- (milodiy 824) yil Termiziy yaqinidagi Bug' (hozirgi Sherobod tumani hududida joylashgan) qishlog'ida tavallud topgan. Termiziyning oilasi va ota-onasi haqida bizga qadar kam ma'lumot yetib kelgan.

Alloma bolaligidan o'ta tishroq, idrokli va zakovatli bilan tengdoshlaridan ajralib turgan. Bu, filmda o'z aksini topgan. Kuchli xotiraga ega olim qator fanlar bilan birga hadis ilmini ham chuqur egallaydi. Termiziy Samarqand, Marv va Markaziy Osiyoning boshqa yirik shaharlarida istiqomat qilgan mashhur ulamo va muhaddislar asarlarini qunt bilan o'rganadi. Balx va Hayraton shaharlaridagi nafuzli shaxslar bilan ilmiy aloqalar o'rnatadi. 850-yil, ya'ni yigirma olti yoshidan boshlab, uzoq yurtlarga, qator xorijiy mamlakatlarda va shaharlarga safar qiladi. Jumladan, u Hijoz, Makka, Madina, Iroq va Xurosonning qator shaharlarida ko'plab muhaddis, ulamolalar bilan muhoqada bo'lib, ulardan ta'lim oladi, qizg'in ilmiy munozara va bahslarda ishtirok etadi.

Olim kelajak avlodga "Al-jomi'" ("Jamlovchi"), "Ash-shamoil an-nabaviya" ("Payg'ambarga xos siyrat va fazilatlar"), "Al-ilal fil-hadis" ("Hadislarni naql qilishdagi nuqsonlar"), "Risola fil-xilof val-jadal'" ("Ittifoq va bahslar haqida risola"), "At-tarix" ("Tarix"), "Kitob az-zuhd" ("Taqvo haqida kitob"), "Kitob ul-asmo val-kuna" ("Ismlar va unvonlar haqida kitob") va yana ko'plab boshqa asarlar yozib qoldirgan.

Bosh qahramon — Imom Abu Iso Muhammad Termiziy siymosini uch aktyor gavdalandirgan. Bolalik — Abdullloh Abdullayev, yigitlik — Doniyor Hafizov va keksalik davri — Abduxalil Mingnorov.



### SYUJET CHIZIG'I

Filmda hijriy III asr, milodiy IX asrdagi voqealar tasvirlanadi. Bu vaqtda Movarounnahrda ilm va ma'rifat, jumladan, muhaddislik ilmi ham yuksak darajada rivojlangan edi. Musulmon olimidagi taniqli olti hadisnavis imomlarining biri — Imom Abu Iso Muhammad Termiziy shu davrda dunyoga keladi.

Yotining har bir davridagi holatlar aks ettiriladi.

## QAROQCHILIKDAN TERMIZIYNING SHOGIRDLIGIGACHA



Filmda Ja'farning xohishiga ko'ra, Termiziy o'ldirish uchun karvonga hujum qiladigan qarochi obrazini ham bor. U qilichi ostida Allohdan najot so'rab, kalima qaytargan Termiziy o'ldirmaydi. Qandaydir kuch uni bundan to'xtatadi. Yillar o'tib, aynan o'sha qarochining qo'li kesilib, tashnalikdan sahrada azob chekayotganida Termiziyning karvoni uni qutqarib qoladi. Falak gardishi bilan qarochi komillik yo'lga o'tadi.

Filmda Ja'farning xohishiga ko'ra, Termiziy o'ldirish uchun karvonga hujum qiladigan qarochi obrazini ham bor. U qilichi ostida Allohdan najot so'rab, kalima qaytargan Termiziy o'ldirmaydi. Qandaydir kuch uni bundan to'xtatadi. Yillar o'tib, aynan o'sha qarochining qo'li kesilib, tashnalikdan sahrada azob chekayotganida Termiziyning karvoni uni qutqarib qoladi. Falak gardishi bilan qarochi komillik yo'lga o'tadi.

Filmda Ja'farning xohishiga ko'ra, Termiziy o'ldirish uchun karvonga hujum qiladigan qarochi obrazini ham bor. U qilichi ostida Allohdan najot so'rab, kalima qaytargan Termiziy o'ldirmaydi. Qandaydir kuch uni bundan to'xtatadi. Yillar o'tib, aynan o'sha qarochining qo'li kesilib, tashnalikdan sahrada azob chekayotganida Termiziyning karvoni uni qutqarib qoladi. Falak gardishi bilan qarochi komillik yo'lga o'tadi.

## RAMAZON TUHFASI

Qutlug' Mohi ramazon kirib kelayotir. Odamlar savob amallarga shoshiladigan, beva-bechora, miskinlarga xayr-ehson qiladigan bu oyda filmining kengaytirilgan olti qismli varianti tomoshabinlarga havola etiladi.

Sherzod MAHMUDOV

## O'ZINGDAN CHIQQAN BALOGA...

# Boshi BERK KO'CHA

**Farzandi yaxshi hayot kechirishi uchun ota-ona o'zini ayamaydi. Farzand-chi? Bilim va salohiyatini nimalarga sarflaydi? Bilmay jinoyat sodir etsa, o'sha boshi berk ko'chadan qanday qilib orqaga qaytadi? Bu haqda yo'ldan adashgan achchiq qismat egalarining oila a'zolari hamda ularga jamiyat hayotiga moslashishda yaqindan yordam berayotgan ichki ishlar organlari xodimlari bilan fikrlashdik.**

— Ba'zi yoshlarimiz diniy ekstremistik oqimlarga qo'shilib ketishiga nimalar sabab bo'lyapti?

Nuriddin QAMBAROV, Quva tumani ichki ishlar bo'limi terrorizm va ekstremizmga qarshi kurashish bo'linmasi boshlig'i.

— Juda ko'p hollarda tashqi migratsiya sabab bo'lmoqda. Tirikchilik vajida boshqa mamlakatlarga borib, yot g'oyalari ta'siriga tushib qolayotganlar oz emas. Ularning aksariyati vataniga qaytishdan bosh tortmoqda. Vaholanki, Prezidentimiz adashganlarni afv etyapti. Yagona ilinjimiz o'ladan. Ekstremistik guruhga qo'shilgan yurtidoshlarimiz yaqinlari bilan ko'proq muloqotda bo'lib, O'zbekistonda adolatiy turmush sharoitlari yaratilayotganiga ishonch hosil qilsa, o'ylaymanki, ertami-kechmi, qaytishga qaror qiladi.

— Sizningcha, nega farzandlarimiz diniy ekstremistik oqimlarga qo'shildi?

Oftobxon BOBOYEVA, qidiruvdagi Abror va Abbas Boboelarning onasi.

— Turmush o'rtog'im 2001-yilda Rossiyaga ishlashga ketib, dom-daraksiz yo'qolgan. O'shanda farzandlarim 8-9 yosh edi. Ro'zg'or tebratish uchun bozorda savdo qila boshladim. Katta o'g'lim Abrorni qassobga shogirdlikka berdim. Abbas esa, texnikaga qiziqardi.

2010-yilda Abror Rossiyaga ketdi. Uyg'a faqat bir marta keldi. 2012-yilning yanvarida Abbosni ham yoniga chaqirdi. Ular o'rmonda akademiklarga sanatoriy quryapmiz, deyishdi. Gapi yolg'on ekan. Buni ichki ishlar organlari xodimlaridan bildim. Farzandlarim Suriyadagi xunrezliklarda qatnashgan ekan (yig'laydi). Bir kunda qarib qoldim!

— Ular sizga sira qo'ng'iroq qildimmi?

— Uch yildan keyin qo'ng'iroq bo'ldi. "Aya, biz qamoqdan qochib ketdik! O'zbekistonga qaytsak, qamab yuborishadi. Hozir Turkiyaning Nazikiya shahridamiz, siz ham keling", — dedi Abror. "Vataningizga qarshi qurol ko'targan bo'lsalar, sizlardan aslo rozi emasman! Meni terrorchilarning onasi, deyishyapti. Xalq orasida bosh ko'tarolmay qoldim", —



dedim. Lekin bolalarim qaytib kelmadi. Abrorning aytishicha, bir o'g'il, bir qizi bor ekan.

O'g'illarim yosh edi. Soddaligi pand berib, al-dandi. Ulardan uyg'a qaytishini so'rayman. Tinchlik-xotirjamlikka hech narsa yetmas ekan. Hammaning farzandi yonida, meniki esa...

Zavroxan SHERALIYEVA, Muhammadkarim Sheraliyevning onasi.

— O'g'lim rus va ingliz tillarini yaxshi bilardi. Huquqshunos bo'laman, derdi. Ammo universitetga kirolmadi. Keyin otasi jigar sirrozi bilan og'ridi. Bor-budimizni sotib ham dori-darmonlarga yetkazolmadik. Qarzga botdik. Men va qizim nogironimiz. Muhammadkarim oila tebrataman deb, 2014-yilda Rossiyaga ketdi. O'shanda 18 yoshda edi.

2015-yilda turmush o'rtog'im vafot etdi. O'g'lim yetib keldi. Qarzarlarimizniyam uzdi. U kolleja kompyuter sohasi bo'yicha o'qigandi. Dasturchi bo'lib ishlayapman, desa ishonibman. 2018-yilda o'rtog'i Bilolxonni ham o'zi bilan olib ketdi. Uch oy o'tib, Bilolxon qaytib keldi. Ammo bizga hech narsa demadi.

Keyin bilsam, o'g'lim o'rtog'ini uyg'a jo'natib, o'zi Suriyaga o'tib ketgan ekan. Menga qo'ng'iroq qilib turardi. Bir safar: "Meni alday Suriyaga olib ketishdi. Sizga qirg' kun qo'ng'iroq qilolmayman", — dedi. Yana bir safar: "Aya, mendan rozi bo'ling!" degan SMS keldi. Davlat xavfsizlik xizmati xodimlariga xabar berdim. Keyin qo'ng'iroq qilganida: "Xabar-

ni men yozmaganman. Hozir pul yuborolmayman. Qarzarim bor. Hujjatlarimni olib qo'yishdi. Turkiyadaman, opam bilan Istanbulga keling. Sizlarni davolataman", — dedi. Lekin men rozi bo'lmadim.

O'g'lim qaytib bu haqda og'iz ochgani yo'q.

— O'zi-chi, kelaman, demadimi sizga?

— Yo'q! Borib qolarman, degandi. Prezidentimiz afv etayotgani haqida aytgandim, ishonmadim! O'g'limdan umidim katta edi... U iste'dodli bola, o'nlab faxriy yorliqlar bilan taqdirlangan. Hozir 23 yoshda. Yo'ldan adashmaganida yaxshi huquqshunos bo'lardi!

Xumora AKBAROVA, G'ayrat Bozorovning onasi.

— G'ayratjon yolg'iz farzandim. Haydovchilik qilardi. Ko'chadagi tasodifiy suhbatdosh jigarbandimning hayotini butunlay o'zgartirib yuborishi mumkinligini qayerdan ham bilibman. O'g'lim o'n bir yil tirnoqqa zor bo'lib yurdi. Afsus, farzandi tug'ilganida oilasi bag'rida bo'lish unga nasib etmadi.

— Nima sababdan qamaldi?

— Diniy tashviqotlar tufayli. Farg'onadan Qashqadaryoga to'qqiz yil qatnadim! O'g'limni yaqinda Toshkentga ko'chirishdi. Nabiram 2-sinfda o'qiyapti. Ba'zan otasining yoniga olib boraman.

Shu payt ko'zim 9 yoshli Rahmatullohga tushdi. Bola menga beg'ubor nigohini tikib turardi. Beixtiyor uni suhbatga tortdim.

— Rahmatulloh, dadangiz yoniga borganingizda sizga nima deydi?

— Buvingni qiynamagan, deydi.

— Dadangizning qaytib kelishini xohlaysizmi?

— Ha, bugunog'...

Bola yana nimadir demoqchi bo'ldiyu, lekin negadir boshini egdi. Xuddi bugun otasi qaytmagani biladigandek. Men yana Xumora opaga yuzlandim.

— Nahotki, o'g'lingizning xatti-harakatida o'zgarish sezmagani bo'lsangiz?

— Sezmaganman. Qandoq bolam bor edi-ya. Hasratida kuyib, qulog'im eshitmay qoldi. Prezidentimizning saxovatli tufayli menga eshitish moslamasi berishdi. Ba'zida G'ayratjon qamoqdan yo'natgan xatlarni o'qiyman. Tomirlarim uziladi. Vaqtda bilganimda, uni bu yo'ldan, albatta, qaytargan bo'lardim. Sizga xatlaridan beraman. Gazetangizda chiqargan!

Men G'ayratjon uchun Prezidentimdan, xalqimdan, mahallamdan kechirim so'rayman. Boshqalar ham o'qib bilsin, bu ko'chaning boshi berk ekanini!

Sarvinov SAKSONOVA

## FOTOFAKT

# BIRLASHIB BIZ — KATTA KUCHMIZ!



To'rtko' tumanida "Ekomarafon" tashkil qilindi. Kun davomida Yoshlar ittifoqining 100 nafardan ziyod a'zosi markaziy ko'chalarni maishiy chiqindilardan tozaladi.

Ittifoq tashabbusi bilan Qoraqalpog'iston Respublikasida "Tabiatni asraymiz!" haftaligi o'tkazil-

moqda. Uning doirasida "Eng toza hudud" aksiyasiga start berildi. Shuningdek, "Eng toza mahalla" mavzuidagi ijtimoiy roliklar hamda "Ekologiya bilimdoni" tanlovlari e'lon qilindan.

Muxbirimiz

## BILASIZMI?

Qora qalam qanday yozadi? Hamma gap uning asosiy komponenti — grafitda. Bu material tarkibidagi atomlar palapartish emas, balki qat'iy ketma-ketlikda — qavatma-qavat joylashgan. Har qaysi qatlam oltiburchak shaklidagi atomlardan tashkil topgan bo'lib, ular bir-biriga nihoyatda zich birikkan. Qatlamlar esa, aksincha, sustroq bog'langan. Qalamni qog'oz ustida yurgizganimizda qavatlar bir-biridan osonlik bilan ajralib, grafit qog'oz yuzasiga ko'chadi. Xuddi shu tufayli qalam yerga tushib ketganda, qattiq zarb ta'sirida sinib ketishi mumkin.



MUASSIS  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR  
Faxriddin KARIMOV


TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,  
Mehrinov Abbasova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,  
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Molodjeh. Uzbekistana"),  
Javlon Vafayev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),  
Yelena Kallina — mas'ul kotib ("Molodjeh. Uzbekistana")

Navbatchi  
Sherzod  
MAHMUDOV

Dizayner  
Xurshid  
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (71) 150-22-74,  
(71) 233-95-97,  
(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.  
Hajmi — 2 bosma tabaq.  
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.  
Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma G-513  
Adadi — 21170  
Boshlarga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 02.20  
O'za yakuni — 02.15